

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 12-сон



3. Словарь русского языка. в 4-х томах / Гл. ред. А.П. Евгеньева. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Русский язык, 1981-1984.-С.604.
4. Новые слова и значения: Словарь-справочник по материалам прессы и литературы 70-х годов / Под ред. Н.З. Котеловой. – М.: Русский язык, 1984. – С.640.
5. Хлеб и хлебобулочные изделия. Изд. официальное. – М.: Изд-во стандартов, 1969. – С.87.
6. АРИОВА, К. ЛИНГВОМАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИЛИК: ТЕРМИНЛАРНИНГ МЕТОДИК ЛУГАТЛАРДАГИ ТАЪРИФИ. УЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУ Уз.
7. Eshboeva, D. (2019). Characteristics and Necessity of Teacher's Problem-Solving Skills. In *ALTFL* (pp. 8-10).
8. Qizi, Eshboeva Durдона Alisher. "IMPROVEMENT OF PROBLEM SOLVING SKILLS OF ENGLISH TEACHERS THROUGH CASE STUDY." *Наука и образование сегодня* 12 (47) (2019).
9. Муминова, Д. (2020). "НОН" КОНЦЕПТИ ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА. *СЎЗ САНЪАТИ*, 2, 135-143
10. Muminova, D. (2020). 2020). LINGUISTIC ANALYSIS OF BREAD IDIOMS AND PHRASES IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. *SCIENCE WITHOUT BORDERS*, (19), 67.
11. Muminova, D. (2020). Comparison of words related bread making process in English and Uzbek languages. *ERPA International Journal of RESEARCH AND DEVELOPMENT (IJRD)*, 5(3), 677.
12. Rihshivayevna, S. B. (2021, February). FEATURES OF TRANSLATING RELIGIOUS VALUES TERMS OF RELIGIOUS DISCOURSE. In *Archive of Conferences* (Vol. 14, No. 1, pp. 8-9).
13. Khasanova, D. K. (2020). METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(11), 371-376.

ЖАМОЛ КАМОЛ – РУБОИЙНАВИС

Дилрабо Кувватова
Бухоро давлат университети
профессори, филология фанлари доктори.,
Назарова Дилдора
Бухоро тиббиёт институти
Назарова Дилдора
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.(PhD)

Аннотатсия: Ушбу мақолада Жамол Камол рубоийларига хос хусусиятлар Шарқ адабиёти вакиллари аъналарнинг давоми эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: таронаи рубоий, хосе рубоий, вазн, ташбеҳ

ДЖАМАЛ КАМАЛ - ПИСАТЕЛЬ-РУБАЙ

Дилрабо Кувватова
Бухарский Государственный Университет
доктор филологических наук, профессор
Назарова Дилдора
Бухарский медицинский институт
Назарова Дилдора



3. Словарь русского языка. в 4-х томах / Гл. ред. А.П. Евгеньева. 2-е изд., испр. и доп. – М.: Русский язык, 1981-1984.-С.604.
4. Новые слова и значения: Словарь-справочник по материалам прессы и литературы 70-х годов / Под ред. Н.З. Котеловой. – М.: Русский язык, 1984. – С.640.
5. Хлеб и хлебобулочные изделия. Изд. официальное. – М.: Изд-во стандартов, 1969. – С.87.
6. АРИОВА, К. ЛИНГВОМАДАНИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ВА КОМПЕТЕНТЛИЛИК: ТЕРМИНЛАРНИНГ МЕТОДИК ЛУГАТЛАРДАГИ ТАЪРИФИ. УЗМУ ХАБАРЛАРИ ВЕСТНИК НУ Уз.
7. Eshboeva, D. (2019). Characteristics and Necessity of Teacher's Problem-Solving Skills. In *ALTFL* (pp. 8-10).
8. Qizi, Eshboeva Durдона Alisher. "IMPROVEMENT OF PROBLEM SOLVING SKILLS OF ENGLISH TEACHERS THROUGH CASE STUDY." *Наука и образование сегодня* 12 (47) (2019).
9. Муминова, Д. (2020). "НОН" КОНЦЕПТИ ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА. *СЎЗ САНЪАТИ*, 2, 135-143
10. Muminova, D. (2020). 2020). LINGUISTIC ANALYSIS OF BREAD IDIOMS AND PHRASES IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. *SCIENCE WITHOUT BORDERS*, (19), 67.
11. Muminova, D. (2020). Comparison of words related bread making process in English and Uzbek languages. *ERPA International Journal of RESEARCH AND DEVELOPMENT (IJRD)*, 5(3), 677.
12. Rihshivayevna, S. B. (2021, February). FEATURES OF TRANSLATING RELIGIOUS VALUES TERMS OF RELIGIOUS DISCOURSE. In *Archive of Conferences* (Vol. 14, No. 1, pp. 8-9).
13. Khasanova, D. K. (2020). METHODS OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(11), 371-376.

ЖАМОЛ КАМОЛ – РУБОИЙНАВИС

Дилрабо Кувватова
Бухоро давлат университети
профессори, филология фанлари доктори,
Назарова Дилдора
Бухоро тиббиёт институти
Назарова Дилдора
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,(PhD)

Аннотатсия: Ушбу мақолада Жамол Камол рубоийларига хос хусусиятлар Шарқ адабиёти вакиллари аъналарнинг давоми эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: таронаи рубоий,хосе рубоий, вазн, ташбеҳ

ДЖАМАЛ КАМАЛ - ПИСАТЕЛЬ-РУБАЙ

Дилрабо Кувватова
Бухарский Государственный Университет
доктор филологических наук, профессор
Назарова Дилдора
Бухарский медицинский институт
Назарова Дилдора



Маф-ув-лу/ ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ фаъ⁵⁵

Бу таронаи рубоий бўлиб, арузнинг ҳазажи мусаммани ахрами абтар тармоғида битилган. Ҳаётсеварлик руҳи билан суғорилган мазкур рубоийда лирик қаҳрамон ўзликка эришиш (ману ман иташ) истаги баён этилган. Ўзликни шоир боғ ичида очилган чаманда кўради.

Юрт кўк-си/-да то-за бир/ ю-рак бўл-гай/-сен,
Эл бах-ти-га/ тоғ ка-би тир/-гак (и) бўл-гай/-сен
Сабр ай-ла/-ю ий-мон-ни/ са-ло-мат сақ/-ла,
Бир кун шу/ ва-тан-га ке/-рак(и) бўл-гай/-сен⁵⁶.
Маф-ув-лу/ ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/фаъ

Юқоридаги рубоий ҳам ҳазажи мусаммани ахрами абтар вазнида ёзилган. Унда юртга фарзандлик бурчи ҳақида фикр юритилган. «Юрт кўкидаги тоза юрак» – шоирнинг бадий топилиши. Бу – юртга керак бўлишнинг биринчи шarti. «Эл бахтига тоғдай тиргак бўлиш» эса муносиб фарзанд бўлишнинг кейинги шartидир. Қолаверса, сабри бўлиш, иймонни саломат сақлаш ҳам юртга фарзанд бўлиш йўлидаги эзгу ҳаракатлардир. Рубоий мисраларига шундай ҳаётий мазмун сингдирилган.

Мумтоз шеърятда рубоийлар кўпинча фалсафий-ахлоқий мавзуларда ёзилиши маълум. Шу билан бирга, ишқ ҳақида битилган жанр намуналари ҳам бор. Жамол Камол қаламига мансуб рубоийлар мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради:

Эй гул, гу/-линг, та-ро-ва/-тинг мун-ча /ти-ниқ,
Боғ(и) ич/-ра ла-то-фа/-тинг бун-ча/ ти-ниқ.
Маф-ув-лу/ма-фо-ий-лу/маф-ув-лу/ фа-ал
Тонг кўй-ни/-да бир ҳовуч/ ку-муш талъ/-ат-сен,
Тонг юл-ду/-зи,тонг-ги талъ/-а-тинг мун-ча/ ти-ниқ⁵⁷
Маф-ув-лу/ ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ фа-ал

Юқоридаги рубоийнинг вазни ўзига хос бўлиб, бир пайтнинг ўзида икки хил вазнда яратилган. Дастлабки икки мисраси ҳазажи мусаммани ахрами макфуфи ажабб, кейинги икки мисраси эса ҳазажи мусаммани ахрами ажаб вазнида ёзилган. Бу ҳам шоир услубидаги индивидуал хусусиятдир. Гул метафора бўлиб, севгили маъшуқани англатади. Шоир маъшуқанинг гўзаллигини тароватида, латофатида, тонг мусаффолигида кўради. «Бир ҳовуч кумуш талъат» шоирнинг бадий топилиши, маъшуқага қўлланган оҳорли ташбеҳдир. Бинобарин, бунда тонгнинг оқлиги асос қилиб олинган. «Кумуш талъат» оқ юзни англатиб туради. Хосеъ рубоий сифатида ааба (тароватинг, латофатинг, талъатинг) тарзида қофияланган.

Ўт-ган ке/-ча уй-қум-да /а-жиб туш /кўр-дим,
Ой пар-ча/-си чеҳ-ранг-ни/ я-на хуш /кўр-дим.
Бо-шинг-да /ҳа-рир рў-мол/, ке-лин-чак /эр-динг,

⁵⁵ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б.253.

⁵⁶ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б.276.

⁵⁷ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б.253.



Қар-шинг-да /я-на ў-зим/-ни бе-хуш/ кўр-дим...⁵⁸

Маф-ув-лу/ма-фо-ий-лун/ма-фо-ийл/ фаъ-лун

Ушбу рубоий ҳазажи мусаммани ахрами максури аслам вазнида битилган. Рубоийда ёрнинг гўзал чехраси ой парчасига ўхшатирилган. Маъшуқанинг ўзи эса «ҳарир рўмоли келинчак» дея таъриф этилган. Бу тасвирларда лирик қахрамон ошиқнинг севгилисига қаноқ муҳаббати ифода этилган.

Ул ноз-ли/ ни-гор юр-гу/-си-дур, тур-гу/-си-дир,

Жо-ним-га/ си-там ғам-за/-си-дир, кул-гу/-си-дир.

Сам-бит ка/-би сил-кин-ма/, са-нам, кул-ма, / са-нам,

Кул-гинг ме/-ни ҳар лаҳ-за/-да ўл-дир-гу/-си-дир⁵⁹.

Мав-ув-лу/ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ фа-ал

Юқоридаги рубоий ҳазажи мусаммани ажабб вазнида ёзилган. Бу рубоийда севгили гўзал «нозли нигор» дея таърифланади. Унинг қарашлари, кулгуси ошиқ жонига азоб беради. Маъшуқанинг юриши самбитга ўхшатирилган, унинг кулгуси, табассуми ошиқни ҳар лаҳзада ўлдирди, яъни унинг қалбида ишқни алангалатади.

Кўринадики, шоирнинг муҳаббат мавзусидаги рубоийлари, аввало, анъанавийлиги, шу билан бирга оҳорли ташбеҳ ва метафораларга бойлиги билан алоҳида бадиий мазмун касб этган.

Жамол Камолнинг рубоийлари бадиий мазмуни ва шаклига кўра Шарқ шеърияти сарчашмаларидан сув ичган. Бинобарин:

Бер-гил ме/-нга бир на-фас Бу/-хо-ро бўйи-дин,

Кўй-гил ме/-нга бир ко-са Бу/-хо-ро су-йи-дин,

Эй бо-ғу /ча-ман-лар кўйи-да эр-ка са-бо,

Кел-гир ме/-нга бир на-сим/ Бу-хо-ро ку/-йи-дин...⁶⁰

Маф-ув-лу/ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лу/ фа-ал

Ҳазажи мусаммани макфуфи ажабб вазнида битилган ушбу рубоий улдуф Рудакийнинг «Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме»⁶¹ деб бошланувчи Ватанга ёниқ муҳаббат туйғулари билан йўғрилган кўҳна оҳанглар, сатрларни ёдга солади. Хусусан, «Бухоро бўйи», «Бухоро суйи», «Бухоро куйи» сингари тасвирлар буни тасдиқлаб туради. Зеро, Бухоро шоирнинг туғилиб ўсган она Ватани. Уни шоир қилиб танитган юрт эса азим Тошкентдир. У Тошкентда яшар экан, Бухорога бўлган улкан бир меҳрни, муҳаббатни туяди. Шу боис Бухоро бўйи, шу томондан келгувчи тоза ифорлар, Бухоро сувига ташналик сезади. Шу юртдан эсгувчи саболардан Бухоро ҳақида хабар келтиришини истайди.

Шоир рубоийларининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, улар нафақат ахлоқий-фалсафий мазмун, балки ижтимоий руҳ билан ҳам суғорилган. Маълумки,

⁵⁸ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б.267.

⁵⁹ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 268.

⁶⁰ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 257.

⁶¹ Шоирони аҳди сомониён. – Душанбе, 1999. – С.19.



рубойлар ижтимоий мавзуларда ҳам ёзилган. Жамол Камолнинг қуйидаги рубойлари шу жиҳатдан мустақилликка шукроналик руҳи билан суғорилган:

Йилларча забунлик менга тақдир бўлди,
Рухимда кишан, оёқда занжир бўлди.
Мустамлака юртда шу паришон кўнглим
Ҳар лаҳза куйиб, ҳамиша ранжир бўлди...⁶²

Маълумки, Бобур қалбида ҳамиша ватандан йироқлик азоб берган. Ушбу рубой ҳам руҳиятан Бобурга яқин. Фақат бунда лирик қаҳрамон – шоир мустамлака юртда эркисизликдан озор чекканлиги кўзга ташланади. Лирик қаҳрамондаги «забунлик», руҳидаги «кишан», оёқдаги «занжир» асоси шу билан боғлиқ. Шоирнинг кейинги рубойиси шу фикрларнинг давоми дейиш мумкин:

Мус-там-ла-ка бўл-ма-гин, э-лим,эн-ди сира,
Мус-там-ла-ка бўл-ма-гин ди-лим эн-ди сира,
Ҳар ер-да жа-ранг-ла, бер жа-ҳон ич-ра са-до,
Мус-там-ла-ка бўл-ма-гин, ти-лим,эн-ди си-ра...⁶³

Ижтимоий мазмун ташиган юқоридаги сатрларда юртнинг мустақил бўлиши лирик қаҳрамон дилида ҳам эркинлик ҳаволарини олиб киради. Бинобарин, юрт мустақил бўлса, унинг тили ҳам эркин бўлади.

Буни шоир поэтик тафаккуридаги янгилиниш сифатида баҳолаш мумкин. Бинобарин, истиқлол мавзусидаги рубойлари мулоҳазаларимизни тасдиқлаб туради:

Ҳар ким-са-ю кас-да мус-та-қил-лик бўл-син,
Ҳар ор-зу-ҳа-вас-да мус-та-қил-лик бўл-син.
Ҳар ян-ги қа-дам-да мус-та-қил-лик-да қа-дам,
Ҳар то-за на-фас-да мус-та-қил-лик бўл-син...⁶⁴

Мазкур рубой мустақилликнинг илк йилларида ёзилганлиги маълум. Бунда мустақиллик эрк тушунчалари билан уйғунлашиб кетган. Шоир ҳар бир инсоннинг мустақил ҳаракати, орзу ҳаваси, қадами, ҳар олган нафасида шуни ҳис этади.

Хал-қим, я/-на ет-ди нав/-ба-тинг, дав/-лат кур,
Кўр-сат я/-на куч-ма-то/-на-тинг, дав/-лат кур.
Дун-ё-да /бу-юк са-о/-да-тинг, дав/-лат кур,
Ҳар не-ча/-ки бўл-са дав/-ла-тинг, дав/-лат кур⁶⁵.

Маф-ув-лу/ма-фо-ий-лун/ ма-фо-йил/ фа-ал

Ҳазажи мусаммани ахрами макфуфи ажабб тармоғида ёзилган юқоридаги сатрлар ҳам таҳлил этганимиз рубойининг мангикий давомидир. Халққа мурожаат тарзида

⁶² Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 261.

⁶³ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 266.

⁶⁴ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 256.

⁶⁵ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 260.



битилган мисраларда истиқлолга эришганимиз шуқуҳи акс этган. Зеро, халқнинг матонат кўрсатиб, истиқлолга эришганлигини шоир «дунёда буюк саодат» деб атайди.

Рубоийнинг муҳим жанрий хусусияти, унда ҳаётий фалсафий ғоя ва фикрларнинг қаймоғи берилиши билан боғлиқ. Ж.Камол рубоийлари ҳам шу жиҳатдан анъанавийлик касб этади. Жумладан, умр талқини Шарқ мумтоз шеъриятида муҳим ўрин тутди. Умар Хайёмнинг қуйидаги рубоийси бу жиҳатдан аҳамиятли:

Пок кел-га/-н э-дик а-лам/-дин, но-пок /бўл-дик.

Шо-дон е/-ти-шиб э-шик/-ка, ғам-нок /бўл-дик.

Ўт-дик ба/-се дил о-та/-ши, кўз ёш/ би-ла,

Бер-дик шу/ умр-ни ел-га/-ю хок(и) /бўл-дик⁶⁶.

Маф-ув-лу/ ма-фо-йи-лун/ маф-ув-лун/

Шоир фикрича, инсон дунёга пок бўлиб келади, бироқ бу дунёда кирланиб боради. «Эшик» бунда дунё тимсолини ифода этади. Инсон умри дил оташи, кўз ёши, яъни шодлик ва ташвишлар билан ўтиб кетади. Умрнинг тез ўтиши елга қиёс этилади. «Хок бўлиш» эса бу дунёни тарқ этишдир.

Умар Хайём рубоийларида умрнинг, дунёнинг ўткинчилиги, шунинг учун уни беҳуда сарфламаслик кераклиги уқтирилган:

Айёми тирикликдан агар он ўтсин,

Азм айлайки, ул хуррами шодон ўтсин.

Зинҳорки, сармойи бу мулки жаҳон-

Умр эмиш, ул ҳам гузарон – ўтсин...⁶⁷

Умар Хайёмнинг фикрича, тириклик айёми, яъни умр ўтади. Бироқ уни азму шижоат билан шод, хуррам ўтказиш лозим. Шоир наздида, «сармойи бу мулки жаҳон» – умрдир. Инсон унинг ўтиб кетганини билмай қолади. Жамол Камолнинг қуйидаги рубоийси ҳам шунга ҳамоҳанг жаранглайди:

Бу таш-виш-у ғал-ва бе-гу-мон ўт-гу-си-дир,

Ўт-ган-да ҳа-ялла-май, ҳа-мон кет-гу-си-дир.

Эй дўс-ту ё-рон-лар, чо-ра-и тад-бир ила

Ор-зу-да-ги ман-зил-га за-мон ет-гу-си-дир...⁶⁸

«Бу ташвишу ғалва» – инсоннинг умри, у, албатта, ўтади. Шунинг учун «орзудаги манзилга» етиш учун унинг қадрига етиш керак, – дейди шоир.

Кўринадики, Жамол Камол рубоийлар таржимони сифатида улардаги эзгу фикр ва ғояларни ўз рубоийларига ҳам сингдирди. Айгиш мумкинки, Ж.Камол рубоийлари нафақат шакл, балки мазмун жиҳатидан ҳам мумтоз рубоийларга бўйлаша олади.

Жамол Камол рубоийлари Навоий ва Бобурнинг рубоийлари билан уйғунлик касб этганлигини кузатиш мумкин.

Бобурда:

⁶⁶ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 285.

⁶⁷ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 286.

⁶⁸ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 258.



Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руху равоним сенсен,
Бобурнинг сенингдек йўқ ёри азиз,
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен⁶⁹.

Жамол Камолда:

Лутфинг-ла суюклигимни сен билсанг эди,
Меҳринг-ла буюклигимни сен билсанг эди.

Ёққан оловингда ўртаниб, эй жон,
Ҳар лаҳза куюклигимни сен билсанг эди...⁷⁰

Юқоридаги уч рубоий мавзу, мазмун жиҳатдан мутаносибдир. Аввало, ишқ мавзуси бу уч рубоийни боғлаб турибди. Қолаверса, образ бирлиги, яъни «сен» иккинчи шахс кишилиқ олмошида акс этган маъшуқа тимсоли бирлаштириб турибди. Шу билан бирга Навоийда «умри азиз», Бобурда «ҳаёти жон», «руҳи равон», «умри жовидон», Ж.Камолда «эй жон» бу образнинг янада аниқлаштирилган ташбеҳларидир. Бу Жамол Камолнинг адабий анъанага ворислигини асослаб туради. Қолаверса, лирик қаҳрамон ошиқ маъшуқанинг лутфида, сўзларида, меҳрида муҳаббатни ҳис қилади. Ошиқ унинг ишқи оловида куйган. Бинобарин, рубоийда оҳангдошлиқни таъминлаб турган «суюклигимни», «буюклигимни», «куюклигимни» сўзлари айна вақтда поэтик мазмунни ёрқин ифодалашга ҳам хизмат қилган.

Наврўзи жаҳон, жаҳонга сен гул била кел,
Ҳар боғчага гул шохида булбул била кел.
Тонглардаю шомларда кумуш найсон ила,
Тоғларга гўзал лола-ю сунбул била кел...⁷¹

Жамол Камолнинг яна бир рубоийси Бобурнинг қуйидаги рубоийси оҳанглари
ёдга солади:

Ёд эт-ма/с э-миш ки-ши/-ни гур-бат-да/ ки-ши,
Шод эт-ма/с э-миш кў-нгул/ни меҳ-нат-да /ки-ши.
Кў-нглим бу/ ға-риб-лик-да/ шод-(и) ўл-ма/-ди, оҳ,
Гур-бат-да/ се-вун-ма -с э/-миш, ал-бат-та/, ки-ши⁷²
Маф-ув-лу/ма-фо-ий-лу/ ма-фо-ий-лу/ фа-ал

Жамол Камолда:

Ёд эт-ма/-са Ҳақ, ким се/-ни шод ай/-лар?
Шод эт-ма/-са Ҳақ, ким се/ни шод ай/-лар?
Сен Ҳаққа/ то-пин-гил, шу/ ё-руғ дун-ё/-да
Ё Ҳақ, де/-ма-санг, ким сен/-га фар-ёд ай/-лар⁷³.

⁶⁹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. –Тошкент : Фан, 1994. –Б. 89.

⁷⁰ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 283.

⁷¹ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 261.

⁷² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. –Тошкент: Фан, 1994. –Б. 96.



Маф-ув-лу/ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ фаъ

Бу икки рубоий шаклан бир-бирига мос. Дастлабки икки мисра деярли бир хил бошланган. Дастлабки рубоийда Бобурнинг Ватандан йироқда, ғурбатда чеккан изтироблари ифода этилган. Жамол Камол рубоийсида эса Оллоҳни ёд этиш, унга топиниш ғоялари акс эттирилган. Айтиш мумкинки, Жамол Камол Бобур рубоийларидан таъсирланганлиги, уларга эргашганлиги бадиий шаклда кўзга ташланади. Айни вақтда мазмунда ҳам шоирнинг ўзига хос поэтик фикрлаш тарзи намоён бўлган. Яъни шоир сатрларида диний-ирфоний оҳанглар эшитилиб туради, уларда руҳиятни поклаш учун Яратганни ёдда тутиш кераклиги уқтирилади. Бу эса шоир ижодининг новаторлик хусусиятини юзага чиқаради.

Кўнг-линг са-ри кўнг-лим са-ри-дан йўл топ-дим,

Қўл чўз-ди-му гоҳи меҳ-ри-бон қўл топ-ма-дим.

Ҳай-ҳот-ки, ру-ҳинг е-ри-дан бўс-тон э-мас,

Наф-рат и-ла қо-қу қов-жи-роқ чўл топ-дим⁷⁴.

Ҳазажи мусаммани ахрами макфуфи ажабб тармоғида яратилган юқоридаги рубоийда Навоийнинг «Топмадим» радифли ғазалига уйғунлик кузатилади:

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим

Жон бача қилдим фидо, оромижоне топмадим.

Ғам била жонимға етгим ғамгусоре кўрмадим,

Ҳажр ила дилхаста бўлдим, дилситоне топмадим⁷⁵.

Ғазалда меҳр истаган, бироқ тополмаган кўнгили изтироблари акс этган. Жамол Камолнинг «Қўл чўздим му гоҳи меҳрибон қўл топмадим» сатрида худди шунга ишора қилади. Агар Навоийда «ғамгусор», «дилситон» образлари орқали меҳрсизлик ифода этилган бўлса, Ж.Камолда «қоқу қовжирок чўл топдим» мисраси орқали бадиий ифода этилади. Шоир айтмоқчи, меҳр изланган кўнгили еридан «бўстон», яъни меҳр эмас, «қоқу қовжирок чўл» – бемеҳрлик топанлигини надомат билан ёзади. Аслида бу фикр меҳрсизликнинг шоир томонидан топиб айtilган янги талқинидир. Зеро, адабиётда «қовжирок чўл» деганда бир неча рамзий маънолар ифода этилган. Бу ерда орзулари поймол этилган лирик қаҳрамон образини ҳам ифодалаб келади.

Шоир маккор тил билан юргувчи, иккиюзламачи инсонларга қарата юмшоқлик билан мурожаат қилар экан, у кутган замоналар бир кун келиши, ўшанда давру даврон сургани ҳеч бир қийматга арзимаслиги ғоясини мисралар қатига сингдиради.

Қайларга кетгайсан эй нафси бузуқ?

Кўз ёши этарсан оқибат, эй нафси бузуқ.

Тутроқ эмас шу аждаҳо нафсинг ила

Дўзахга кетгайсан оқибат, эй нафси бузуқ⁷⁶.

⁷³ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 258.

⁷⁴ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 265.

⁷⁵ http://navoi.natlib.uz:8101/uz/xazoyin_ul_maoniy_garoyib_us_sigar_uchinchi_tom/gazallar/gazallar_401_500/



Рабъузий «Қиссаси Рабъузий» асарида бир нафснинг қилган ишини етмиш икки шайтон ҳам қилолмаслигини айтса, ҳазрат Навоий эса «Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужо», дея бу балонинг юки нақадар оғирлигига ишора қилади. Шундан келиб чиқиб айгиш мумкинки, нафс инсонни қулликка, ночорликка банди қилиб, алаал оқибат, хору зор айлайди.

Кўринадики, ўзбек мумтоз шеърятдаги рубоийларнинг ишқ мавзусида ҳам ёзилиш адабий анъанаси Жамол Камол ижодида муносиб давом эттирилган. Шоир рубоийлари, асосан, ҳазажи мусаммани ахрами максури аслам, ҳазажи мусаммани макфуфи ажабб тармоқларида яратилган. Бу рубоийлар нафақат ахлоқий-фалсафий мазмун, балки ижтимоий руҳ билан ҳам суғорилган.

Адабиётлар

1. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. –Тошкент: Фан, 1981. – 100 б.
2. Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б.253.
- Жамол Камол. Аср билан видолашув. Сайланма. Олти жилдлик. 1-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б. 283.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. –Тошкент : Фан, 1994. –Б. 89.
5. http://navoi.natlib.uz:8101/uz/xazoyin_ul_maoniy_garoyib_us_sigar_uchinchi_tom/gazallar/gazallar_401_500/

SOMATIK SO`ZLARNING MUHIM XUSUSIYATLARI

Gadoyeva Mavlyuda Ibragimovna

Buxoro davlat universiteti, Ingliz tilshunosligi
kafedrasi dotsenti, filologiya fanlari nomzodi

Tel.:914486759

gmail: gadoyevamavlyuda59gmail.com.

Annotatsiya: Ushbu maqola somatik so`zlarning muhim xususiyatlariga bag`ishlangan. Ilmiy maqolada somatik lug`atning nominatsiya ob`ektining xususiyatiga ko`ra guruhlarga bo`linishi o`rganilgan. Maqolada bu guruhlarning butun tilshunoslik jamiyatiga xos bo`lgan umumiy xususiyatlari, shuningdek, turli tillardagi somatik turg`un iforalarning o`ziga xos xususiyatlarini o`rganishga qaratilgan.

Kalit so`zlar: somatizm, somatik leksika, somatik lug`at, somatik turkum, tilshunoslik, turg`un iforalarning o`ziga xos xususiyatlari.

ЗНАЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ СОМАТИЧЕСКОГО СЛОВА

Гадоева Мавлюда Ибрагимовна

Бухарский государственный университет,
доцент кафедры Английского языкознания

⁷⁶ Жамол Камол. Ёнаётган дала. Сайланма. Олти жилдлик. 2-жилд. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. –Б.265.



67	Tabassurning muloqotdagi o'rnı Вахриднова Е.А	346
68	Аксиологик модалликнинг кириш сўзли бадий матнларда ифодаланиши Бойматова Д.Б.	351
69	Логистика терминларининг лексикографик талқини Джумабаева Ж.Ш., Алаутдинова К.Ш	355
70	Тазкираи Шуаро"нинг қўлёзма нусхаларидаги маълумотлар қиёси Дўстова С.С.	363
71	Ш.Сейтов ва Ш.Холмирзаев ижодида образлар типологияси Каниязова Ж. О.	367
72	Лингвоўлкашунослик ва миллий-маданий бирликлар Махмурова М. Ҳ	374
73	Лингвомаданиятшуносликда бадий оним тушунчаси Бахтиёрова М.Б	380
74	Таржумон туркий ва ажамий ва мўғулий ва форсий" Қўлёзмаси хусусида Жафаров Б.С	386
75	Badiiy tarjima va ijodkorning individual uslubi. Mansurova G. M., Eshmurodov U. X	391
76	Ўзбек тили географик терминларида полифункционаллик Исломов И.Х	395
77	Baking process terms in english, russian and uzbek languages from the point of view of language sources Muminova D. A	400
78	Жамол камол – рубоийнавис Қувватова Д., Назарова Д., Назарова Д.	404
79	Somatik so'zlarning muhim xususiyatlari Gadoyeva M.I	412
80	Чингиз айтматов ижодий фаолияти тадқиқининг географияси, статистикаси, йўналиш ва босқичлари Алисултонова Н.А	417
81	The role of form, meaning and use in teaching grammar communicatively Elmuratov R. Kh	422
82	Инглиз тилида эпитетнинг идрок этишнинг ўзига хослиги Умаралиева Д.Т	427
83	Роль перевода в изучении иностранного языка Баротова М.Б	430
84	Атоқли отларнинг замонавий тилшуносликдаги аҳамияти Санакулов З.И	434
85	АҚШ адабиётига европа адабиётининг ижодий таъсири. Файзиева К.А	437
86	Форс ва ўзбек тилларида жой номларини яшаш бўйича таклифлар Мирзахмедова Ҳ.В.	441
87	Тилшуносликда термин ва терминологияга оид қарашлар Хайдаров И.Т	448